



## КИЧИК, ЎРТА ВА ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Пардаев Умиджон Уралович,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқарув академияси кафедра мудири, PhD, доцент  
ORCID: 0000-0003-3989-3072

## IMPROVEMENT OF TAX ADMINISTRATION OF SMALL, MEDIUM AND LARGE TAXPAYERS

**Pardaev Umidjon Uralovich,**  
under the President of the Republic of Uzbekistan  
Head of the Department of the State Administration Academy, PhD, associate professor  
ORCID: 0000-0003-3989-3072

### **JEL Classification: H7, H71**

**Аннотация.** Мазкур мақолада Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш босқичлари, хусусан, микро, кичик, ўрта ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш борасидаги ислохотлар баён этилган. Шунингдек, мамлакатда хўжалик юритувчи субъектлар ривожига ҳисса қўшадиган бюджет-солиқ ислохотлари борасида фикр-мулоҳазалар, илмий ёндашувлар келтирилган. Тадқиқотнинг мақсади барча тоифадаги солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Abstract.** This article describes the stages of improving the tax administration in Uzbekistan, in particular, the reforms in determining the criteria for inclusion in the category of micro, small, medium and large taxpayers. Also, opinions and scientific approaches are presented regarding budget and tax reforms that contribute to the development of economic entities in the country. The purpose of the study is to develop proposals and recommendations aimed at improving the tax administration of

all categories of taxpayers.

**Калим сўзлар:** бюджет-солиқ сиёсати, қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, кичик ва ўрта бизнес, солиқ имтиёзлари, айланмадан олинadиган солиқ, қатъий белгиланган суммада солиқ тўлаш, солиқ маъмурчилиги

**Keywords:** budget-tax policy, value-added tax, profit tax, small and medium-sized business, tax credits, turnover tax, flat-rate tax, tax administration

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар қаторида бюджет-солиқ тизими маъмурчилигида амалга оширилган ишларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Мамлакатда солиқ тизими маъмурчилигини янада такомиллаштирилиши солиқ тўловчиларнинг бюджетга солиқ йиғиш ва ҳисоблашни такомиллаштирилиши билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан акс этади. Иқтисодий фаолиятнинг муҳим қисми бўлган йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ базасининг кичик ўзгариши ҳам бюджет тушумларига катта таъсир ўтказди.

Сўнгги йилларда кўплаб мамлакатларда солиқ тизими ўз фаолиятни сўлиқ тўловчиларнинг маълум бир қисмига (хусусан, уларнинг молиявий иқтисодий кўрсаткичлари ҳажмига мувофиқ) эътибор қаратиш йўли билан солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Йирик солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилишини махсус механизмлар орқали назорат қилиш усули давлатнинг молиявий маблағларини бошқаришда катта фойда келтиради. Йирик солиқ тўловчиларни алоҳида режимда назорат тизимининг яратилиши бюджет-солиқ қонунчилигига қатъий риоя этилишига ва солиқ маъмурчилиги самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Ушбу ислохотларнинг мантикий давоми сифатида, 2022 йил 22 август куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иккинчи маротаба тадбиркорлар билан очик мулоқотда уларни қўллаб-қувватлаш юзасидан 5 та йўналишда ташаббусларни билдириб ўтган эди. Ушбу очик мулоқотда, корхоналарни тоифаларга ажратиш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувни белгилаш, корхоналар йиллик айланмаси бўйича:

1 миллиард сўмгача бўлгани — микро бизнес;

10 миллиард сўмгача бўлгани — кичик бизнес;

100 миллиард сўмгача бўлгани — ўрта бизнес [7] тоифаларга ажратиш тўғрисидаги фикрдан сўнг, микро, кичик, ўрта ва йирик солиқ тўловчилар солиқ маъмурчилигини самарали ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар долзарб ҳисобланади.

**Материал ва метод.** Йирик солиқ тўловчиларни бошқариш муаммолари бу

соҳада катта тажрибага эга ривожланган мамлакатларда, масалан, австралияда Akhand Z.[11] ва Grob P. [13] ва ривожланаётган мамлакатларда йирик солиқ тўловчиларни бошқарувини махсус бўлинмалар томонидан назорат қилиш тизимини жорий этишда эришилган ютуқлар ва камчиликларини баён этган. Шунингдек, Ahmad Z.[10] Тадқиқот ишида солиқ тўловчиларнинг Покистон тажрибаси таҳлилини кўриш мумкин.

МДХ давлатларида йирик солиқ тўловчиларни бошқариш ва бу тизимни яратиш Россия Федерациясида амалга оширилди. 1998 йилдан йирик солиқ тўловчиларни бошқариш муаммолари ушбу тизимини яратиш билан бир вақтда юзага келди. Йирик солиқ тўловчиларни бошқаришда солиқ тизимининг марказий аппаратида махсус бўлим ташкил этилди. С.Пепеляевнинг [30] тадқиқотлари ушбу жараёнларнинг қонунийлиги ва тармоқ бошқарувининг самарадорлиги муаммоларига алоҳида эътибор қаратиш, солиқ органлари фаолиятидаги ҳуқуқий ва функционал камчиликларга [31] баҳо берган.

Йирик солиқ тўловчиларни алоҳида тартибини ҳуқуқий жиҳатлари ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш бошлангандан сўнг ушбу мавзу бўйича ҳуқуқий муҳокамалар якунига етди. Шундан сўнг, А.Каратаев [24], [25], Г.Айтхожина [18], М.Белугина [20], Л.Струкова [33] каби тадқиқотчилар йирик солиқ тўловчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ўз тадқиқотларида атрафлича ёритиб берган. Жумладан, Л.Гончаренко [21] ўз тадқиқотларида йирик солиқ тўловчиларнинг трансферт нархлардан фойдаланиш муаммоларига кўпроқ эътибор қаратди. К.Новосёлов [29], Л.Королева [27] солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган алоҳида тузилмасини жорий этишга,

шунингдек В.Ильин, А.Поваровалар [23] йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ тушумларини бюджет тизими даражалари бўйича тақсимлашдаги ўрни юзасидан тадқиқотлар олиб борган.

Ўзбекистонда иқтисодчи олим Ш.Тошматов [34] йирик солиқ тўловчилар ўртасида трансферт нархларни шакллантириш усуллари ва солиқ назоратини амалга ошириш хусусиятлари бўйича, Б.Ташмурадова [35] йирик солиқ тўловчиларнинг қўшилган қиймат солиғи механизмидаги асосий янгиликлар, қўллаш хусусиятлари ва айрим муаммоларга эътибор қаратилган.

Шу ўринда қайд этиш ўринлики, Ўзбекистонда йирик солиқ тўловчиларнинг юзага келиш шарт-шароитлари ва юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш, уларни солиқ назоратига оид тадқиқотлар амалга оширилмаган бўлса, микро, кичик ва ўрта бизнесни аниқлаш ва уларни солиққа тортиш борасида бир қанча маҳаллий олимлардан Б.Санакулова [32], И.Ниязметов [28] ва Ш.Тўйчиев [16] каби олимлар фикр юритган бўлса, хорижий олимлардан С.Ахмедалиев [19], С.Mason

[14], П.Гурьянов [22] каби олимлар кичик ва ўрта бизнесни аниқлашда бир вақтда миқдор ва сифат кўрсаткичларидан фойдаланиш зарурлигини таъкидлаганлар.

Хорижий мамлакатларда ҳам микро, кичик ва ўрта бизнесни аниқлашининг бир қанча мезонлари мавжуд бўлиб, турли давлатларда турлича ёндошув мавжуд. Хусусан, Германия, Бельгия, Буюк Британия, Нидерландия, Португалия каби давлатларда уларни аниқлаш мезони сифатида йиллик айланма ҳажми олинса, Италия ва Ирландияда ушбу мезон сифатида мулк қиймати олинади [22]. Корхоналарни тоифаларга ажратишда Жаҳон банки ва Европа Иттифоқи томонидан тавсия этилган 50 дан ортиқ мезонлар мавжуд бўлиб, турли мамлакатлар ривожланиш даражаси ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги сиёсатидан келиб чиқиб ушбу мезонларни белгилайди. Улар ичида энг кўп учрайдиганлари миқдорий мезонлар сифатида ишчи кучи миқдори, устав капитал ҳажми, активлар ҳажми ва айланма ҳажми (фойда, даромад) кабилар киради.



1-расм. Микро, кичик ва ўрта бизнесни аниқлаш бўйича Европа Комиссияси томонидан таклиф этилган мезони<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси (User guide to the SME Definition. Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2020, pp. 11) асосида.

Ходимлар сони кўплаб мамлакатларда кичик ва ўрта бизнесни фарқлашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Бироқ, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиш даражасидаги фарқлар туфайли ходимлар сонининг турли чегаралари қўлланилади. Масалан, АҚШда кичик бизнесга 20 дан 100 кишигача бўлган корхоналар киради, ўрта бизнес - 101 дан 500 кишигача, Европа Иттифоқи мамлакатларида 10-49 кишига эга бўлган корхоналар кичик бизнес, 50-249 киши - ўрта бизнес корхонаси сафига киради. Шунингдек, микро, кичик ва ўрта бизнесни аниқлашда Европа Комиссияси томонидан таклиф этилган мезонга кўра йиллик товар айланма ҳажми ёки йиллик жами баланси кўрсаткичи ходимлар сони билан бирга қўлланилади (1-расм).


Бундан ташқари, кўплаб мамлакатлар кичик ва ўрта бизнесдаги ходимлар сонининг чегаравий қийматларини белгилашда корхонанинг фаолият турини ҳам ҳисобга олади. Яна бир умумий мезон устав капитали бўлиб, унинг ҳажми ва тузилишини таҳлил қилиш кичик ва ўрта бизнесни аниқроқ фарқлаш имконини беради. Шундай қилиб, Австрияда мулкдорларнинг улуши кичик ва ўрта бизнесга нисбатан 25% дан ошмаслиги керак. Бундай мезонни қўллаш мустақил бўлмаган ва қарам бўлган субъектларни (шўъба ёки давлат корхоналари) кичик ва ўрта бизнесдан чиқариб ташлаш имконини беради [26].

XX аср ўрталарида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига кирувчи қатор мамлакатлар кичик ва ўрта бизнес билан бир қаторда йирик солиқ тўловчилар устидан назорат қилишнинг махсус тизимини жорий этилиб ушбу корхоналарда текширув ва назорат ўтказишнинг турли усуллари амалда жорий қилди. Австралия, Недерландия, Янги Зеландия, Буюк Британия ва АҚШ

каби саноати ривожланган давлатлар ҳам ушбу сиёсатни қабул қилишди. Улар солиқ тизимини турли тоифадаги солиқ тўловчилар устидан назорат қилишнинг янгидан шакллантирилган тизимини жорий қилди. Қайта ташкил этилган солиқ тизими натижасида, функционал йўналтирилган солиқ органлари билан бир қаторда, жисмоний шахслар, кичик ва йирик корхоналарни назорат қилишга қаратилган алоҳида солиқ органлари ишлай бошлади.

Йирик солиқ тўловчилар тоифасини тузиш учун ҳал қилиниши зарур бўлган энг муҳим масалалардан бири сифатида уларни танлашда микро, кичик ва ўрта бизнес каби юридик шахслар тоифасидан ажратиб олиш ҳисобланади. Аксарият ҳолда солиқ органлари ҳозиргача қайси ташкилотлар энг кўп солиқ тўлаган бўлса уларни йирик солиқ тўловчилар сифатида танлаб олиш эҳтимоли юқори бўлади. Ҳозиргача тўланган солиқ суммаси миқдорини ягона асос сифатида йирик солиқ тўловчиларни ажратиб олиш баъзи бир муаммоли ҳолатлар пайдо бўлиши мумкин бўлади. Хусусан, йирик солиқ тўловчилар гуруҳига қуйидаги учта сабаб туфайли кирмай қолиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд: биринчидан, доимий равишда солиқ тўлашдан қочиб юрган ёки белгиланган солиқ миқдоридан кам солиқ тўловчи субъектлар; иккинчидан, солиқ имтиёзи мавжуд бўлган йирик корхоналар; учинчидан, катта миқдорда ҚҚС қайтимига эга бўлган экспортёрлар ҳисобланади.

Халқаро валюта жамғармаси юридик шахслар йирик солиқ тўловчилар тоифасини тузишда солиқ тўловчиларнинг тўлов салоҳиятини акс эттирувчи бир неча хил мезонлардан фойдаланишни тавсия этади. Жумладан:



**2-расм. Халқаро валюта жамғармаси томонидан йирик солиқ тўловчилар тоифаси мезонлари<sup>2</sup>**

Амалиётда кўп ҳолларда юқорида тавсия этилган мезонлардан бир нечтаси бирлаштириб, йирик солиқ тўловчилар тоифасини шакллантирилади. Дунё мамлакатларининг аксарият қисмида ҚҚС мавжудлиги сабабли, йирик солиқ тўловчиларни танлашда энг кўп

учрайдиган омил (қарийб 75 фоиз мамлакатларда) корхонанинг йиллик айланма миқдори танланганини кўришимиз мумкин. Кейинги энг кўп тарқалган мезонлар эса, олдинги даврларда тўланган солиқ миқдори ва иқтисодий фаолият турлари ҳисобланади.

1-жадвал

**Юридик шахслар йирик солиқ тўловчилар тоифасини тузишда фойдаланиладиган мезонлар [12]**

| Давлатлар           | Ўтган даврда тўлаган солиқ миқдори | Йиллик айланма миқдори | Ишчилар сони   | экспорт/импорт ҳажми; | иқтисодий фаолият тури. |
|---------------------|------------------------------------|------------------------|----------------|-----------------------|-------------------------|
| Болгария            | +                                  | +                      |                |                       |                         |
| Венгрия             | +                                  | +                      |                |                       |                         |
| Озарбойжон          | +                                  |                        |                |                       |                         |
| Грузия              | +                                  |                        |                |                       |                         |
| Латвия              | +                                  | +                      | +              |                       |                         |
| Молдовия            | +                                  | +                      |                | +                     |                         |
| Тожикистон          | +                                  | +                      | +              |                       | +                       |
| Украина             | +                                  |                        |                |                       |                         |
| Того                |                                    | +                      | +              | +                     | +                       |
| Уганда              | +                                  | +                      | +              |                       | +                       |
| Аргентина           | +                                  | +                      |                |                       | +                       |
| Мексика             | +                                  |                        |                |                       | +                       |
| Австралия           |                                    | +                      |                |                       |                         |
| Япония <sup>3</sup> |                                    |                        |                |                       |                         |
| Недерландия         |                                    | +                      | + <sup>4</sup> |                       |                         |
| Янги Зеландия       |                                    | +                      |                |                       | +                       |

<sup>2</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>3</sup> Бошқа қўлланиладиган мезонлар. Капитал миқдори 100 миллион йендан ортиқ бўлган корпорациялар.

<sup>4</sup> Бошқа қўлланиладиган мезонлар. Устав капитали

|               |   |                |  |  |  |
|---------------|---|----------------|--|--|--|
| Испания       |   | + <sup>5</sup> |  |  |  |
| Буюк Британия | + | +              |  |  |  |

Мамлакатда йирик солиқ тўловчи тоифаси пайдо бўлишининг бир қанча зарурий ҳолатлардан келиб чиқди. Мамлакатимизда кенг қўламда яширин иқтисодиёт улушини камайтириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, солиқ тизимини такомиллаштириш мақсадида 2018 йил 29 июнда “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги қабул қилинди. Ушбу фармондан келиб чиқиб, 2019 йил 10 июлда “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори билан солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси белгиланди. 2019 йил 9 декабрда «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-589-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан фуқаролар даромадларини кўпайтиришга ва тадбиркорлик фаолиятини янада рағбатлантиришга қаратилган бюджет-солиқ сиёсати қабул қилинди.

Солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштиришнинг кейинги йўналишлари сифатида янги таҳрирдаги Солиқ кодекси амалиётга жорий этилиб унинг асосий йўналишлари сифатида қўшилган қиймат солиғини занжирида узлуксиз тизимни жорий мақсадида барча хўжалик субъектларни қамраб олишга

қаратилган сиёсат амалга оширилди. 2020 йилдан хўжалик юритувчи субъектларда соддалаштирилган ва умумтартибда солиқ тўловчиларнинг солиқ ставкаларида ва солиқ турларида сезиларли ўзгаришга учраши натижасида ушбу корхоналарни назоратини янада такомиллаштириш ҳамда корхоналарни тоифаларга ажратишга зарурат туғилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелда 320-сон “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси ўз фаолиятини ташкил этиб ҳамда солиқ маъмурчилигини амалга оширишни бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 12 июлдаги “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан йирик солиқ тўловчилар тоифасига аниқлик киритилди.

Мамлакатда ҳам юридик шахслар йирик солиқ тўловчилар тоифасини тузишда фойдаланиладиган мезонлар бошқа хорижий давлатлар сингари бир нечта турини бирлаштирилиб, қуйидаги кўринишда акс эттирилди (3-расм).

<sup>5</sup> Бошқа қўлланиладиган мезонлар. Корпорацияларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти. Солиқ тўловчининг корпоратив гуруҳга аъзолиги. Молиявий операцияларнинг мураккаблиги ва катта ҳудудни қамраб олиш даражаси.



3-расм. 2021 йилда йирик солиқ тўловчилар таркиби ва сони

Мамлакатда юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилашда бошқа давлатларга ўхшаш бўлган корхоналарнинг фаолият тури, йиллик айланма миқдоридан ва ўзига хос хусусияти бўйича акциз солиғига тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва акциз тўланадиган хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳамда аниқ ажратиб кўрсатилган «Навоий КМК» ДК, «Олмалик КМК» АЖ ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар қилиб белгилашдан фойдаланилди.

Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича ҳамда солиқ тўловчиларни тоифасини белгилаш мезонлари мантиқан яқунланиб, уларнинг якуний кўриниши ЯТТ, микро, кичик, ўрта ва йирик солиқ тўловчилар сафига ажратилди.

**Натижалар.** Мамлакатда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект учун унга нисбатан қўлланилаётган амалдаги солиққа тортиш тартиби унинг фаолиятини ҳамда келажак истиқболини белгилаб беришида асосий восита бўлади. Шу боис, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига солиқ тўловлари таъсирининг қай даражада бўлиши давлатнинг олиб бораётган солиқ

сиёсатига бевосита чамбарчас боғлиқдир. Республикада фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларига нисбатан амалда қўлланилаётган солиққа тортиш тартиблари ҳам улар фаолиятига бевосита таъсир этиб, келгуси молия йилига нисбатан тегишли қарорларни қабул қилишларида катта аҳамият касб этади. Хўжалик юритувчи субъектларига нисбатан солиқ сиёсатини юритишда тўртта йўналишга бўлиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Биринчидан йўналиш сифатида,** тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда туман ва шаҳар тоифасидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари, субсидиялар ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги 287-сон “Республика худудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонидан келиб чиқиб, уларга нисбатан белгиланган алоҳида солиқ режимини белгиланди.


Тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар солиқ солишнинг табақалаштирилган тартиби жорий этилди. Ушбу солиқ имтиёзлари асосан 4- ва 5-тоифадаги туманларда

рўйхатдан ўтган ва мазкур ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектларига 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлар (йирик солиқ тўловчилар, доимий муассаса, бюджет ташкилоти ва давлат корхонаси, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар бундан мустасно) фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқни, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдордаги солиқ ставкалари бўйича тўланиши белгиланди. Мазкур туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган ЯТТлар жисмоний шахслардан олинадиган

даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинди.

Шунингдек, 4-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари (йирик солиқ тўловчилар, доимий муассаса, бюджет ташкилоти ва давлат корхонаси, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар бундан мустасно) учун айланмадан олинадиган солиқнинг базавий солиқ ставкаси 3% этиб белгиланди [7].

**Иккинчи йўналиш сифатида,** кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун 2023 йил 1 январдан пасайтириладиган солиқ ставкалари айланмадан олинадиган солиқни унификация қилиш орқали амалдаги 14 та фаолият тури бўйича 4 дан 25 фоизгача ставкалар ягона 4 фоизлик ставкага унификация қилинди.



**1-расм. Кичик ва ўрта бизнес учун айланмадан олинадиган солиқ тўловчиларга қатъий белгиланган суммада солиқ тўлаш механизми [9]**

Айланмадан олинадиган солиқ тўловчиларга товар айланмаси 500 млн сўмгача бўлганда йилига 20 млн сўм (ҳар ойда 1,6 млн сўм), 500 млн сўмдан юқори бўлганда 30 млн сўм (ҳар ойда 2,5 млн сўм) миқдорда қатъий белгиланган солиқни ҳар ойда тенг улушларда


тўлашни танлаш ҳуқуқи берилмоқда. Ушбу солиқ тўловчилар учун энг аҳамиятли шуки, қатъий белгиланган суммадаги солиқ тўловчисидан бухгалтерия ҳисобини мажбурий юритиш ва айрим ҳисоботларни топшириш ҳамда



соф фойдасидан тўланган дивиденд солиғини тўлашдан озод этилади.

**Учинчи йўналиш сифатида,** кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида товар айланмаси 1 млрд. сўмдан ошган кичик бизнес тоифасига

кирувчи тадбиркорлар учун 1 йил давомида фойда солиғи ставкасини 2 бараварга пасайтиришга ҳақли ҳисобланади. Бунда, солиқ тўловчилар солиқ базасини жами даромаднинг 25 фоизи миқдорида соддалаштирилган тартибда аниқлашга ҳам ҳақли.



**2-расм. Микро, кичик ва ўрта бизнесни аниқлаш мезонлари [8]**

Кичик бизнесдан ўрта бизнес тоифасига ўтган тадбиркорлар учун 2 йил давомида фойда солиғи ставкасини 2 бараварга пасайтириш белгиланди.


Ушбу ҳолатда, пасайтирилган ставка ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва акциз солиғи тўловчиларига, шунингдек тадбиркорлик субъекти тугатиш ёки 2 ва ундан ортиқ тадбиркорлар ўртасида даромадларни ажратиш (бўлиш) ҳолатлари аниқланганда татбиқ қилинмаслиги белгиланди.

**Тўртинчи йўналиш сифатида,** йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириб бориш ҳисобланиб, 2021 йил 11 январда “Йирик солиқ тўловчилар рўйхатига қўшимча қиритиш тўғрисида”ги буйруғига асосан 2020 йилда йирик

солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи юридик шахслар 836 тадан 1120 тага етди.

2020 йилда жами солиқ тушумлари миқдори 103,6 трлн.сўмни ташкил этиб, шундан 67,7 трлн.сўм йирик солиқ тўловчилар томонидан ёки жами солиқ тушумларининг 65,3 фоизни ташкил этди. 2021 йилда 20 та энг йирик солиқ тўловчиларнинг давлат бюджети тушумларидаги улуши 46,2 фоиз, 2022 йилда 40,5 фоизни ташкил қилган [37].

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга солиқ ва йиғимларни тўлиқ тушишини таъминлашни назорат қилишнинг янги тизими жорий этилди. (2-расм).



**2-расм. Хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга солиқ ва йиғимларни тўлиқ тушишини таъминлаш тизими<sup>6</sup>**

Ушбу расмда солиқ тизимининг барча бўғинларининг функционал тақсимланиши келтирилган бўлиб, унда умумбелгиланган солиқ тўлови ва ҚҚС тўловчи корхоналар солиқлар ва йиғимларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларига, йирик солиқ тўловчилар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган солиқлар ва йиғимларнинг тўлиқ

тушишини таъминлаш вазифаси йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига юклатилиши солиқ тизими маъмуриятчилигининг такомиллашига сабаб бўлди.

Агар йирик солиқ тўловчи корхоналарни сонини тармоқлар кексимида таҳлил қилсак энг кўп улуши озиқ овқат саноати, савдо, ёқилғи энергетика ресурслари корхоналарига тўғри келади (2-жадвал).

**2-жадвал**

**2022 йилда йирик солиқ тўловчилар иқтисодиёт тармоқлари кесимидаги сони [37]**

| Т/Р | Иқтисодиёт тармоқлари             | Корхоналар сони |
|-----|-----------------------------------|-----------------|
|     | <b>Жами</b>                       | <b>957</b>      |
| 1   | Алкогол ичимликлар саноати        | 91              |
| 2   | Автосаноат                        | 30              |
| 3   | Бошқалар                          | 88              |
| 4   | Электр энергетика                 | 57              |
| 5   | Электротехника саноати            | 13              |
| 6   | Энгил саноат                      | 61              |
| 7   | Кимё саноати                      | 12              |
| 8   | Мобил алоқа                       | 6               |
| 9   | Молиявий хизматлар                | 39              |
| 10  | Озиқ-овқат ва ноозиқовқат саноати | 154             |
| 11  | Қурилиш                           | 106             |

<sup>6</sup> Муаллиф ишланмаси.

|    |                             |     |
|----|-----------------------------|-----|
| 12 | Савдо                       | 212 |
| 13 | Тоғ-кон ва металлургия      | 7   |
| 14 | Транспорт хизмати           | 23  |
| 15 | Ёқилғи энергетика комплекси | 58  |

**Хулоса.** Йирик солиқ тўловчиларнинг истиқболда самарали ва ишонч билан ишлаши учун солиқ маъмуриятчилигидаги ислохотлар кичик бизнес субъектлари билан бир қаторда кенг кўламда давом эттирилиши лозим. Келажакда амалга ошириладиган ислохотлар фақат йирик солиқ тўловчиларга қаратилган бўлиб, кичик бизнес субъектларига нисбатан солиқ юкини ошиб кетишини олдини олиш зарур. Унинг учун:

Биринчидан, ҳозирги кунда кичик, ўрта ва йирик бизнес вакилларига солиқ ставкасида ягона шарт-шароитларини яратиш мақсадида ягона режимда бир хил солиқ ставкасини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Барча солиқ тўловчиларга қулай ва шаффоф бўлган солиқ маъмуричилигини жорий этишда учун корхоналарни тоифаларга ажратиш мезонларини ҳуқуқий асосини доимий тарзда мустаҳкамлаб бориш зарур ҳисобланади. Бугунги кунда "Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори билан йирик солиқ тўловчилар тоифасига аниқлик киритилган бўлиб, микро, кичик ва ўрта бизнес учун мезонлари ҳуқуқий асоси етарлича мустаҳкам эмас ёки тез ўзгарувчан ҳисобланади.

Мамлакатда нафақат йирик солиқ тўловчилар балки соддалаштирилган ва умумтартибда солиқ тўлайдиган хўжалик

юритувчи субъектлар солиқ маъмуриятчилигини узлуксиз такомиллаштириш зарур ҳисобланади. Унинг учун ҳозирги кунда:

Биринчидан, солиқ назоратининг икки хил бўғинида назорати амалга ошириладиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги чегаравий миқдорларни бир бирига яқинлаштириш зарур. Ҳозирги кунда соддалаштирилган (100 млн) ва умумтартибда солиқ тўлайдиган (1 млрд.) корхоналар чегаравий миқдорлари ўртасидаги фарқ 10 баробарни ташкил этиб, қўшилган қиймат занжирида узилиш пайдо бўлиши билан бар қаторда, иқтисодий субъектларнинг рақобатбардошлигига ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Соддалаштирилган (100 млн) ва умумтартибда солиқ тўлайдиган (1 млрд.) корхоналар чегаравий миқдорлари ўртасидаги фарқ камида 2 баробар этиб белгилаш зарур.

Иккинчидан, қўшилган қиймат солиғининг тўлақонли занжирини яратиш ва барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шароитларни таъминлаш мақсадида оборотидан қатъий назар барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга қўшилган қиймат солиғини жорий этиш зарур ҳисобланади. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи бошқа корхоналар ўртасида тенг шароитлар яратилади.



## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-813-сон «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/6333240>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 320-сон “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори. <https://lex.uz/docs/4290724>
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/4416401>
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори. <https://lex.uz/docs/4415356>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/docs/3802378>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПФ-287-сон «Республика худудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/6333225>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги ПҚ-364-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги «Очиқ мулоқоти»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори
9. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сон “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни.
10. Ahmed M.A. Pakistan: wither tax reforms– the case of large taxpayers’ unit, Islamabad // Journal of Tax Reform. 2018. Vol. 4, No. 3. P. 202–222.
11. Akhand Z. Understanding the effects of coercive and persuasive tax compliance tools on large corporate taxpayers [online] // Journal of Australian Taxation. 2014. Vol. 16, No. 2. P. 206–258.
12. Benon, Olivier P., Katherine Baer, and Juan Toro. Improving large taxpayers' compliance: a review of country experience. International Monetary Fund, 2002.
13. Grob P. Tax governance and justified trust [online] // Taxation in Australia. 2017. Vol. 52, No. 5. P. 261–265.
14. Mason, C. Creating good public policy to support high-growth firms / C. Mason, R. Brown // Small Business Economics. – 2013. – Vol. 40, № 2. – P. 211-225.
15. Tashmuradova, B. "Key innovations in the mechanism of value added tax, features of application and some problems," International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 14.



16. Tuychiev S. Кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш режимини белгилашнинг назарий жиҳатлари // Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. А5. – С. 39-45.
17. User guide to the SME Definition. Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2020, pp. 11
18. Айтхожина Г.С. Особенности планирования выездных налоговых проверок крупнейших налогоплательщиков // Вестник Омского университета. Серия: Экономика. 2011. № 1. С. 190–192.
19. Ахмедалиев, С.М. Повышение эффективности кредитования малого и среднего бизнеса как основа экономического роста / С.М. Ахмедалиев // Проблемы современной экономики. – 2014. – №3. – С. 155-158.
20. Белугина М.В. Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков: проблемы, пути совершенствования // Инновационное развитие экономики. 2015. № 5 (29). С. 27–30.
21. Гончаренко Л.И., Вишневская Н.Г. Налоговый контроль применения трансфертных цен крупнейшими налогоплательщиками: актуальны ли изменения правил? // Экономика. Налоги. Право. 2015. № 2. С. 112–119.
22. Гурьянов, П.А. Критерии определения размеров малого и среднего бизнеса / П.А. Гурьянов // Экономика, предпринимательство и право. – 2014. – № 10. – С. 3-12.
23. Ильин В. А., Поварова А. И. Недостатки налогового администрирования крупного бизнеса и их влияние на региональные бюджеты // Экономика региона. 2017. Т. 13. Вып. 1. С. 25–37.
24. Каратаев А.С. Налоговая политика государства в отношении крупнейших налогоплательщиков // Инновационное развитие экономики. 2011. № 2. С. 23–32.
25. Каратаев А.С., Каратаева Е.Г. Теория налогового контроля и ее обусловленность особенностями налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков // Экономические науки. 2010. № 69. С. 153–156.
26. Конищева, Д.В. Критерии определения малого и среднего бизнеса в России и за рубежом / Д.В. Конищева // Молодой учёный. – 2018. – № 9. – С. 83-86.
27. Королева Л.П. Роль консолидированной группы налогоплательщиков в обеспечении инновационного прорыва: быть или не быть // Journal of Tax Reform. 2015. Т. 1, №. 2-3. С. 177–193.
28. Ниязметов, И.М. Солиқ юқини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Тошкент: Молия, 2016.
29. Новосёлов К.В. Консолидированные группы налогоплательщиков. Кто они? // Налоговая политика и практика. 2012. № 1. С. 34–39.
30. Пепеляев С. Структура налоговой службы: время исправлять ситуацию // Экономика и жизнь. 2004. № 12.
31. Пепеляев С.Г. Актуальные проблемы законодательства и правоприменительной практики налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков // Правовые проблемы налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. М.: ВолтерсКлувер, 2006.
32. Санакулова Б. Р. Налогообложение малого бизнеса и частного предпринимательства: обзор проводимых реформ в Узбекистане // Проблемы современной экономики. – 2014. – №. 4 (52). – С. 335-339.



33. Струкова Л.А. Проблемы налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков // Actualscience. 2016. Т. 2, №. 11. С. 269–271.

34. Тошматов Ш.А, Маматраемов Б.О. Трансферт нархларни шакллантириш усуллари ва солиқ назоратини амалга ошириш хусусиятлари //Бюджет, солиқ ва пенсия тизимларида акселератор механизмларини такомиллаштириш. I республика молиячилар форумининг мақолалар тўплами/ Тошкент: БФА «Молия» нашриёти, 2019. 56-62 б.

35. Tashmuradova, B. Key innovations in the mechanism of value added tax, features of application and some problems," International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 14.

36. Фуқаролар учун бюджет. 2022.

[https://admin.openbudget.uz/media/post\\_attachments/Budjet\\_22\\_uz\\_8\\_BS2G3hM.pdf](https://admin.openbudget.uz/media/post_attachments/Budjet_22_uz_8_BS2G3hM.pdf)

37. <https://soliq.uz/page/yirik-soliq-tolovchilar-bilan-ishlash?lang=uz> – ДСҚ Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси Матбуот хизмати